# ШАРТНОМА № Ш-24

Андижон ш. 20.01.2022-йил

Амалдаги Низом асосида фаолият юритувчи, кейинчалик «Етказиб берувчи» деб номланувчи **ООО «FARM FAMILY BIZNES»** МЧЖ номидан иш кўрувчи **Хамидов Х.Ш.** бир томондан ва амалдаги Устав асосида иш юритувчи кейинчалик "Харидор" деб номланувчи **Клиника Андижанского государственного медицинского института** номидан. Бюджет ташкилоти рахбари Б.Мо[illegible], иккинчи томонидан мазкур шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар:

## I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. "Етказиб берувчи" мазкур шартнома бўйича "Харидор"га ўзаро келишилган миқдорда ва муддатларида шартноманинг умумий кийматидан ошмаган холда етказиб бериш. Етказиб бериладиган товарларнинг шартнома тузиш вактидаги микдори нархи ва етказиб бериш келишилган холда амалга оширилади.

## II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Мазкур шартноманинг умумий бахоси 8000000 (Саккиз миллион) сўмни ташкил этади.

2.2. "Харидор" олинадиган товарлар учун амалдаги қонунчиликда кўрсатиладиган яъни_30_фоиз аванс тўловини олдиндан "Етказиб берувчи" рақамига ўтказиб беради.

2.3. "Етказиб берувчи" тегишли даврида томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ белгиланган миқдорида ва аванс тўловидан сўнг 15 кун муддат ичида товарларни "Харидор"га етказиб беради.

2.4. "Харидор" тақдим этилган хужжатларга асосан 30 кундан ортиқ бўлмаган муддатларида олинган дори воситалари учун узил-кесил хисоб-китоб қилади.

2.5. Етказиб берилган товарлар учун пул ўтказиш йўли билан накд пулсиз тартибда хисоб-китоб қилади.

## III. ТОМОНЛАРИНИНГ ХУҚУҚИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

3.1. "Харидор"нинг хуқуқи ва мажбуриятлари "Етказиб берувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив хужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш.

"Етказиб берувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртманомага мувофиқ тегишли сифат ассортиментдаги товарларни етказиб берилишини талаб қилиш. Етказиб берадиган товарлар кийматини хаққонийлиги "Харидор" зиммасида бўлади.

3.1. "Етказиб берувчи" қуйидаги хуқуқ ва мажбуриятларга эга.

Етказиб берилган товарлар учун олдиндан хак тўланишини ва амалдаги қонун хужжатларида белгиланган тартибда ва хажмда узил-кесил хисоб-китоб қилинишини Харидордан талаб қилиш.

Товарларни мазкур шартномага асосан "Харидор" буюртманомасига мувофиқ муддатлар сифат ва миқдорда етказиб бериш. Олинган товарлар нархига бюджет ташкилоти жавоб беради

## IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун хужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа шартнома бажарилган деб хисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун хужжатларида белгиланган холлар бундан мустасно.

4.3. "Харидор" илгари берилган буюртмани бекор қилишга ёхуд товарларнинг тегишли туркумларини етказиб бериш санасини ўзгартиришга хақлидир, бу хақда "Етказиб берувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 3 кун олдин хабардор қилади.

## V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Товарларни етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда "Етказиб берувчи" "Харидорга" кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0.5% миқдорида пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.2. Етказиб берилган товар учун ўз вақтида хақ тўланмаганда "Харидор" "Етказиб берувчи"га муддати кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0.4% миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50%дан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.3. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва товар етказиб бериш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ етказиб берилмаслиги туфайли етказилган зарарлар копланишидан озод этилмайди.

## VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача хал қилиш чораларини кўрадилар.
6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этишда бир карорга келишолмасалар шундан сунг суд органларига мурожаат қилишга ҳақлидир.
6.3. Томонлар форс-мажор холати, яъни томонларга боғлик бўлмаган холатлар (ёнғин, сув тошқини шу каби енгиб бўлмайдиган кучлар) юз берган тақдирда мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун жавобгарликдан озод этилади.

## VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Мазкур шартнома "Харидор" ва "Етказиб берувчи" томонидан тасдикланиб сўнг ғазначилик бўлинмаларидан рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.
7.2. Томонлар ўртасида муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

## VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

8.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.
8.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қушимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан ҳақикий хисобланади.
8.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади. Шартноманинг иккала нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

## IX. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ.

**«Етказиб берувчи»**

**ООО «FARM FAMILY BIZNES»**
Адрес: г Андижан Хокон КФЙ ул. Мевазор дом 52
Х/Р: 20208000700862953008
**ЦБУ Андижан АКБ «Капиталбанк» .**
МФО: 01088
ИНН: 305379569 ОКЭД 46460
Тел: +99890 939-44-40

Рахбар ____________________ **Хамидов Х.**
**М.У**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ANDIJON VILOYATI ANDJON TUMANI MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI FARM FAMILY BIZNES

**«Харидор»**

А.Д.Т.И. шшшилиаси
(Бюджетдан маблаг олувчининг номи)
Манзил: Андижон шахри Бобурнов - 8
Тел:/факс: 74-237-10-35
Ш/Х: 401410860034017073100059001
ИНН: 200236942 ОКЭД 91511
Узбекистон республикаси молия вазирлиги газначилик булимии:
Газна Х/Р:23402000300100001010
Банк: Марказий банк ХККМ Тошкент Булими
МФО:00014
Газна Булинмаси ИНН:201122919

Рахбар ____________ Б. Жрахимов
(Имзо)
**М.У**

Ушбу шартнома лойихаси Уз.Р. "Хужалик юритувчи субьектлари фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида"ги конунининг 10,24-34 моддалари ва Уз.Р." Фукаролик кодекси"нинг 386-424 моддалари талабларига жавоб беради.

Хуқуқшунос: ____________ 10 рист. ____________ Исмаилов
И. Шодмонов

## Спецификация к договору № Ш-24 от 20 .01.2022г. Между
### ООО «FARM FAMILY BIZNES» и Клиника Андижанского государственного медицинского института

| ЦК,-3953 | Наименованиу товаров | Ед.из. | Кол-во | Цена поставки | Сумма поставки | НДС | | Стоим. поставки с учетом НДС | Срок поставки |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | Ставка | Сумма | | |
| №108 | Одам Альбумин р-р д/инф. 20% 100мл | уп | 10 | 800 000 | 8 000 000 | Без | НДС | 8 000 000 | 10 |
| | | Итого | 10 | | **8 000 000** | Без | НДС | **8 000 000** | |

| Поставщик | |
|---|---|
| **ООО «FARM FAMILY BIZNES»** | |
| Адрес: | Андижан шахар Хокон КФЙ ул. Мевазор дом 52 |
| Тел: | |
| Р/счет: | 20208000700862953008 |
| Банк: | ЦБУ Андижан АКБ «Капиталбанк» |
| МФО: | 01088 |
| ИНН: | 305379569 **ОКЭД:**46460 |

| Получатель |
|---|
| **Клиника Андижанского государственного медицинского института** |
| **Манзил: Андижанская область г.АндижанАндижон шахар, Бобур.3.М-6** |
| **Тел:/факс:** 74-234-10-30 |
| **Х/В:** 401410860034017073100059001 |
| **ИНН:** 200236942 **ОКЭД:** 91511 |
| Узбекистон республикаси молия вазирлиги газначилиги |
| Газна Х/Р:23402000300100001010 |
| Банк:Марказий банк ХККМ Тошкент Булими |
| МФО:00014 Газна Булинмаси ИНН:201122919 |

Руководитель ____________
М.П

Руководитель ____________ Б.П.Рахмонов
М.П